



№40-41
(893-894)
2025 йил 9 май, жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.com/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.



Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
8 май кун амалий
ташриф билан Москва
шаҳрига келди.
Ташриф дастурига
мувофиқ,
Президентимиз
Иккинчи жаҳон
урушидаги Ғалабанинг
80 йиллигига
бағишланган
тантанали
тадбирларда иштирок
этади ҳамда қатор
икки томонлама
учрашувлар ўтказлади.



Газетанинг
1-9, 12-бетларда
9 май – Хотира ва
қадрлаш кунига
бағишланган мақолалар
билан танишасиз.

9
май

Хотира ва
қадрлаш
куни

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК СОЛНОМАСИДИР

Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 80 йил бўлди.

Шунча вақт ўтса-да унинг тарихи, кулфат ва мусибатлари унутилмайди.

Аксинча, урушнинг муҳдиш оқибатлари, тинчлик-осойишталик қадрини ёдга солади.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни замирида ана шундай моҳият мужассам.

Президент Шавкат Мирзиёев
ушбу сана муносабати билан Ғала-
ба боғига ташриф буюриб, хотира
маросимида иштирок этди.

Боғ бўйлаб мунгли куй тара-
лади. Бу ердаги ҳар бир ёдгор-
лик, тимсол ва биттиклар муҳдиш
уруш ҳақиқатларини ифода этади,
халқимизнинг ғалабага қўшган
улки хиссасини ургўлайди. Боғ
бугунгидек байрам кунларида, ай-
ниқса, гавжум бўлади.

Сўнгги йилларда шаклланган

анъанага мувофиқ, давлатимиз
раҳбари “Матонат мадҳияси” ёд-
горлиги пойига гулчамбар қўйди.
Бу муаззам обида урушда халқимиз
чеккан азоб-уқубатлар, матонат ва
йўқотишларнинг ифодасидир.

Ҳужжатларнинг далолат бе-
ришича, фашизмга қарши қонли
жангларда ўша пайтда 6 миллион
800 минг нафарни ташкил этган
аҳолимизнинг қарийб 2 миллион
нафари иштирок этган. Шундан
540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158

минг нафари бедарак йўқолган, 50
мингдан ортиғи концлагерларда
мислсиз қийноқ ва азоблар туфай-
ли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди
ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офи-
церлардан 214 мингга яқини жанг-
говар орден ва медаллар билан
муқототлангани уларнинг жасора-
тидан далолат беради.

Мамлакатимиз уруш йиллари-
да фронтнинг мустаҳкам таъминот
базасига айланган, жанг майдон-

ларига жуда катта миқдорда ҳар-
бий техника, қурол-яроғ, кийим
ва озиқ-овқатлар етказиб турил-
ган. Ғоят оғир шароитда қарамай,
халқимиз уруш ҳудудларидан қў-
чириб келинган 1 миллион 500
мингга яқин инсонни, жумладан,
ота-онасидан жудо бўлган 250
минг нафар етим болани ўз бағрига
олиб, меҳр қўрсатган.

► 2-бет

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Козим ТУЛЯГАНОВ, Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрийлар кенгаши раиси.

Хотира ва қадрлаш – халқимизнинг асрий қадриятлари, улуг
фазилатларидан биридир. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки
ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғида. Ана
шундай мардлик ва жасорат намунасини қўрсатган юртдошларимиз,
жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош
билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган момоларимизни шарафлаш,
хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор қўрсатиш
масаласи йил сайин янада кенг тус олмақда.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекис-
тонда яшаган 6,5 миллион аҳолининг 1,5 мил-
лиони фронтга кетиб, улардан 420 мингги ва-
танга қайтиб келмаган бўлса, 640 минг нафари
яраланган. 120 минг нафар Ўзбекистонлик ор-
ден ва медаллар билан тақдирланган. Жумла-
дан, 338 нафар Ўзбекистонлик Совет Иттифоқи
қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунига ўша
машъум урушда ватан учун жангга кирган
ҳамда фронт ортда меҳнат қилган инсонлар,
аёвсиз жангу жадалда қаҳрамонларча ҳалок
бўлган юртдошларимиз ёдига янада қўпроқ
эҳтиром қўрсатилиши аёнанага айланган.

Зеро, хотира – кечаги ўтмишни, аждо-
лар ўгитини, миллий меросимизни англа-
тиб туриш – муқаддас китоб зарваракларидек
ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни
юксакликка қўтаради, унинг фаолиятига, ор-
зу-интилишларига, мақсад-маслакларига оли-
жаноблик бағишлайди. Шу боис, букилмас иро-
да ва жасорат намунасини амалда намоён этиб,
ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама
равнақ топиши учун жонини фидо қилган, бу-
гунги тинч ва осойишта кунлар учун курашган
аждодаларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб,
эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юр-
ган кексаларни эъзозлаш – одамийликнинг энг
олий мезонидир.

Уруш йилларида машаққатли меҳнат ва
азоб-уқубатдан бошқа нарсани қўрмаган одам-
ларнинг қўпчилиги қайғу-алам гирдобиди жон
бердилар. Шунга ўхшаш уруш қатнашчилар-
нинг талай қисми ёруғ кунларни қўрмади.
Бироқ шуни унутмаслик керакки, ота-бобола-
римиз қўрган азоб-уқубатлар ва талафотлар хи-
собига бутун инсоният бошига тушган офатни
бартараф қилишга улкан ҳисса қўшиб, жаҳон
тарихида ўчмас из қолдиришди. Биз эса улар-
нинг ватанпарварлиги, мардлиги, сабри ва
қўрсатган улуг жасоратини доимо ёдда сақлаб,
унутмаслигимиз керак.

Биз азалдан тинчликсевар халқимиз. Айнан
шу гоё тарғиботида бағишланган буюк миллий
ва маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида

тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади,
уруш эса батамом қораланади.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни Иккинчи
жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унут-
масликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига
етишга, Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга,
шунингдек, доимо огоҳ ва хушёр бўлишга, ки-
шилари тарихий хотирага садоқат руҳида тар-
биялашга хизмат қилиб келмоқда.

Халқимизда “Қадрлаган қадр топади”, де-
ган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам, инсон ўзгаларга
самимий муносабатда бўлиб, ҳурмат-эҳтиром
қўрсатса, ўзи ҳам атрофдагиларнинг шундай
муносабатига сазовор бўлади. Ватан равнақи,
халқ осойишталиги учун хизмат қилган эл фи-
дойилари эса эзгу амаллари сабаб умрбод ки-
шилар ёдидан ўчмайдилар. Номлари ҳамиша
эъзоз билан тилга олинади, хотиралари мангу-
ликка мухрланади.

Уруш ва юртимиз чекига тушган бир қатор
табиий офатлардан кейинги йилларда барпо
этилган минглаб турар жой ва давлат аҳамия-
тидаги бинолар, ижтимоий объектилар, боғлар,
хiebонлар, йўллар, қўприқлар, метро станция-
ларини қуриб-битказишда фахрий архитектор
ва қурувчиларнинг ҳиссасини алоҳида таъкид-
лаш ўринлидир. Шу маънода, улар қўрган ва
қурилишида иштирок этган иншоотлар тимсо-
лида ўзларининг ҳам хотираси абадий тарихга
муҳрланган десак, хато бўлмайди. Бугунги бай-
рам уларнинг ҳам хотирасини ёд этиш ва қадр-
лаш кунидир, аслида.

Юқорида қайд этилган хотираларни ёд
олиб, барча юртдошларимизни шахсан ўзим
ва Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрий-
лар кенгаши номидан 9 май – Хотира ва қадр-
лаш куни билан муबारакбод этаман. Ватани-
мизнинг бугунги тинч-осойишта ҳаёти учун
жасорат қўрсатиб, жонини фидо қилган юрт-
дошларимиз хотирасини ёд этиш, бу йўлда
меҳнат қилган бунёдкорлик соҳаси фахрий-
ларини ҳам эъзозлаш, кексаларга ғамхўрлик
қўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ҳар
томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг
вазифамиздир.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, қўпмиллатли бутун
халқимизни қутлуғ айём – Хотира ва қадрлаш
куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонил-
ган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қал-
бимдан муबारакбод этиб, барчангизга ўзимнинг
юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдириш-
дан бахтиёрман.

Мана шу ҳаяжонли, айни пайтда изтиробли
дамларда инсониятни фашизм балосидан ҳалос
этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон аждо-
ларимизни ёд этиб, уларнинг ёрқин хотираси
олдида таъзим қиламиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо
этишда олтинга тенг дуолари, маслаҳатлари
билан фаол иштирок этиб келаётган муҳтарам
уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида қутлов ва
ташаккурларимизни изхор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, тинч ва фаровон ҳаёт посбон-
лари улугланадиган ушбу мунаввар айёмда мус-
тақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги,
халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш йў-
лида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ҳар-
бийларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш
барчамиз учун ҳам қара, ҳам фарзидир.

Азиз дўстлар!

Башарият тарихидаги энг дахшатли қирғин
бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари,

жумладан, эл-юртимиз бошига солган оғир му-
сибатлар, мислсиз кулфат ва йўқотишлар ҳеч қач-
он унутилмайди.

Бу – замон ва макон чегарасини билмайди-
ган чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солно-
масидир.

Бундай муаззам, шонли зафарга муносиб
ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар
қанча фахрлансак, арзийди.

Кейинги йилларда жонқуяр олим ва мута-
хассисларимизнинг илмий изланишлари ту-
файли Иккинчи жаҳон уруши тарихининг янги
саҳифалари билан танишмоқдамиз.

Ҳужжатларнинг далолат беришича, фа-
шизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6
миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳо-
лимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок
этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган,
158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан
ортиғи концлагерларда мислсиз қийноқ ва
азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан
зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан
214 мингга яқини жанговар орден ва медал-
лар билан муқототлангани, 301 нафари Совет
Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70
нафардан зиёди учала даражадаги “Слава” ор-
денига сазовор бўлгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз

вакиллари томонидан уруш майдонларида қўр-
сатилган жасорат ва матонатнинг юксак амалий
эътирофидир.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронт-
нинг мустаҳкам таъминот базасига айлангани,
республикамиздан жанг майдонларига жуда
катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, до-
ри-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа за-
рур маҳсулотлар етказиб берилгани ўша суронли
даврнинг яна бир унутилмас саҳифасини ташкил
этади.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юр-
тимизга 170 дан ортиқ завод ва фабрика қўчириб
келтирилди, қисқа муддатда 280 та янги корхо-
на бунёд этилди.

Халқимиз ғоят оғир ва мураккаб шароитда
уруш ҳудудларидан ўлкамизга олиб келинган
1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан,
ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим
болани бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват қўр-
сатди.

Тарих китобига муҳрланган бундай мисол-
ларни бугун яна бир бор эсга олар эканмиз, ҳар
қандай вазиятда ҳам инсоний эътиқодида содиқ
қолган олижаноб ва баррикенг халқимизнинг
буюк гуманистик фазилатларига таҳсин ва та-
саннолар айтаемиз.

► 2-бет

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК СОЛНОМАСИДИР

◀1-бет

– Булар чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир. Бундай мураккаб ва шонли ғалабага муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча faxрлансак, арзийди. Бу қаҳрамонликларни ҳеч қачон унутмаслигимиз, ёшларимизга етказишимиз керак. Айниқса, ҳозирги таҳликали замонда бунинг аҳамияти нихоятда катта. Ҳаммамиз ватан ҳимоясига ҳар қуни тайёр бўлишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 февралдаги қарорига мувофиқ, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносиб нишонланмоқда. Бугунги авлодлар тинчлиги, мамлакатимиз барқарорлиги учун жон фидо қилган инсонлар хотираси ҳурмат билан ёдга олинмоқда. Айни вақтда ҳаёт бўлган меҳнат фахрийлари ва кексаларга эҳтиром қўрсатишмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳам иштирок этиб, мазкур ёдгорлик пойига гуллар қўйишди.

Давлатимиз раҳбари бoғда ўрнатилган “Хотира нури” композициясини ҳам қўздан кечирди. У Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган ўзбекистонлик қаҳрамонлар хотирасига бағишлаб барпо этилган. Монумент парвоз қиладгган икки куш шаклида бўлиб, катта ва ёш авлодлар ўртасидаги ворисийликни ифодалайди.

Асар тарихий мерос ва замонавий санъатни ўзида мўжассам этган. Унга QR-ҳавола ўрнатилган бўлиб, ташриф буюрувчилар мажмуа ва уруш қаҳрамонлари ҳақида ўқиши, “Хотира нури” китобини юклаб олиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба бoғидаги “Миллат фидойилари” хиббонида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ташкил этилган ушбу ёдгорлик мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасига бағишланган.

Мажмуа юқоридан қараганда давлатимиз байроғидаги ярим ой ва ўн икки юлдуз шаклида намоён бўлади. Қарийб икки метрли юлдузларнинг қирралари битиктош вази фассини ҳам ўтайди. Уларнинг ён тарафларида 196 нафар қаҳрамонларимиз номи зарҳал харфлар билан ёзилган. Бу биткилар ёнига мониторинглар ўрнатилган бўлиб, миллат фидойилари тўғрисида маълумотлар фото ва видеолар орқали намойиш этиб борилади. Яъни, уларнинг фақат номи эмас, болалиги, орузлари, иши ва оиласи қўз олдимизда жонланади.

Байроғимиздаги ярим ой мўъжаз амфитеатр шаклида хиббонга кўрк бағишлаган. Унинг тепасидан поклик рамзи – сув оқиб туради. Ойнинг орқа тарафидаги ҳайкалтарошлик композицияси бадийй ғояга яқун ясаган. Унинг марказида фарзандини ҳарбий хизматга кузатган ота-она сиймоси тавдалантирилган. Икки ёнида Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Олий суд ва прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона кўмитаси, Миллий гвардия каби тузилмалар хизматчилари акс эттирилган.



Президентимиз шу ерда марҳум ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан учрашди.

– Ҳар йили бу ерга келиб, Иккинчи жаҳон урушидаги йўқотишларни эслаймиз. Энди мустақиллик фидойиларига бағишланган ушбу мажмуани ташкил қилганимиз хайрли иш бўлди. Чунки улар ҳам миллий қаҳрамонларимиз. Шу жиҳатдан, бу майдоннинг маънавий аҳамияти катта. Бу ҳам ўзликини англаш, бу ҳам инсон қадрли, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ватан ҳимоячиларининг оила аъзоларига чукўр ҳурмати билдирди.

– Бу жасур ўғлонлар таҳликали вазиятда ўзини ўйламай, бурчига содиқ қолиб, халқи учун жонини фидо қилган. Ҳозирги тинчликда, осмонимиз мусаффолигида уларнинг катта ҳиссаси бор. Оилалари, барча яқинлари билиши керакки, улар орамизда худди тирикдек, номлари ҳеч қачон ўчмайди. Буни мана шу майдонда муҳраб қўйдик. Мен уларнинг ота-оналарига, турмуш ўртоқларига таъзим қиламан. Фарзандлари қаҳрамон оталарига муносиб бўлишини истайман, – дея таъкидлади Президент.

Миллат фидойилари туртилган туманларда хотира тадбирлари ўтказиш, уларнинг мардлигини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, қаҳрамонликлари ҳақида асарлар ёиш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti қатнашчиларини ҳам зиёрат қилиб, байрам билан табриклади.

– Аввало, сизларни, сиз орқали барча фахрийларимизни Ғалабанинг 80 йиллиги билан табриклайман. Халқимиз номидан барчангизга чукўр миннатдорлик билдираман. Сизларнинг қаҳрамонлигингиз туфайли бугунги авлодлар

шундай тинчлик-фаровонликда яшаяпти. Бу тинчликнинг қадрини ёшларимизга сизлар орқали етказишимиз керак. Ҳаётингизнинг ўзи бизга намуна. Ҳар бир гапингиз жуда катта таълим, билим. Илоҳим, соғлғингиз мустаҳкам бўлиб, кўп йиллар фаҳримиз, дуоғўйимиз бўлиб юринг, – дея тилак билдирди Шавкат Мирзиёев.

Нурунийлар юртимизда тарихий хотира улуғлангани, кексаларга катта ҳурмат-эътибор кўрсатиладганини айтиб, дуолар қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 февралдаги қарорига мувофиқ, уруш ва меҳнат фахрийларига муносиб ҳурмат кўрсатишмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 минг АКШ доллари миқдорида, ушбу тоифага тенглаштирилган шахсларга 25 миллион сўм, меҳнат fronti қатнашчиларига 3 миллион сўмдан бир марталик пул мукофотлари берилмоқда. Қўп-лаб мухтарам нурунийларга “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медаллари топширилмоқда.

Уруш фахрийлари ва ногиронлари учун тиббий ва ижтимоий хизматлар, жумладан, патронаж хизмати кўрсатишмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда доволанмоқда.

Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларининг холидан хабар олиниб, юмушларига ёрдамлашилмоқда.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

◀1-бет

Қадрли ватандошлар!

Сўнгги йилларда қаҳрамон аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мардлик ва матонатини чукўр ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи, худдлардаги “Ватанпарвар” боғлари муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу табаррук масканлар киска мuddатда барча юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун кутлуг зиёратгоҳларга айланди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида Ғалаба боғи худудида она юрт қалқонлари шарафига барпо этилган яна бир тарихий ёдгорлик – **Миллат фидойилари** мажмуаси ҳам, ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал харфлар билан муҳраб қўйилган ушбу муҳташам бадийй обида эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва faxрланадиган яна бир мўътабар маскан бўлиб қолади.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда **“Инсон қадрли учун, инсон бахти учун”** деган эзгу ғоя ҳаётимизга тобора чукўр кириб бормоқда.

Бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 минг АКШ доллари миқдорида, ушбу тоифага тенглаштирилган шахсларга 25 миллион сўм, меҳнат fronti қатнашчиларига 3 миллион сўмдан бир марталик пул мукофотлари ва “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медаллари топширилгани мухтарам фахрийларимизга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Уруш фахрийлари ва ногиронлари учун тиббий ва ижтимоий хизматлар, жумладан, патронаж хизмати кўрсатишмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда доволанмоқда.

Ушбу қувончли кунларда халқимиз мўътабар кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олмақда.

Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларининг холидан хабар олиниб, уларга зарур кўмак ва ёрдамлар кўрсатишмоқда.

Албатта, биз бугунги тинч, озов ва ёрқин ҳаёт учун ўзининг азиз жонини ҳам аммасдан курашган бундай фидойи инсонларнинг олдида доимо қарздормиз. Улар бундан буён ҳам давлатимиз ва жаҳиятимизнинг меҳрини, эътиборини ҳис қилиб яшайдилар.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёримиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳамиша ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу унутилмас айёмда сиз, азизларни, мухтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни яна бир бор самийий табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Матбуот анжумани ўтказилди

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда аҳолининг уй-жой билан таъминланиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, одамлар учун муносиб яшаш шароитларини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан уй-жой коммунал хўжалиги тизимини модернизация қилиш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини камайтириш, бу борада аниқ ва самарали механизмларни йўлга қўйиш бўйича қатор муҳим қарор ҳамда фармонлар қабул қилинди. Шу муносабат билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Сўнгги 3 йилда мазкур соҳада амалга оширилган ишлар бу йўналишдаги ислохотларнинг самарадорлигини яққол намоён этмоқда. Жумладан, 2022–2024 йиллар давомида жами 4 920 та кўп квартиралар барпо этилиб, улардаги 221 мингдан зиёд хонадон аҳоли ихтиёрига топширилди. Бу кўрсаткич йил сайин ортиб бораётгани эътиборга лойик. Масалан, 2022 йилда 56 115 та хонадонли 1 433 та уй, 2023 йилда 65 528 та хонадонли 1 443 та уй ва 2024 йилда 100 264 та хонадонли 2 044 та уй фойдаланишга топширилди. Айниқса, ижтимоий аҳамиятга эга уй-жойлар қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, етим болалар, ҳам таъминланган оилалар учун ажратилаётган квартиралар сони йилдан-йилга ортмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йилда ташкил этилган “Янги Ўзбекистон” массивлари сони 2025 йилга келиб 29 тадан 56 тага етказилди. Бугунги кунда мазкур массивларда 890 та уй қурилиб, уларда 31 692 та хонадон фойдаланишга топширилган.

“Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиш самарадорлигини ошириш, пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уй-жой таннарҳини пасайтириш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2022–2024 йилларда массивларни муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 1 триллион 716 миллиард сўм, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш учун эса 665 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Келгуси йиллар учун белгиланган режалар ҳам ушбу ислохотларнинг изчил давом эттирилишини кўрсатмоқда. 2025 йилда уй-жойлар қурилиши 135 минг хонадонга етказилади (“Янги Ўзбекистон” массивларида – 28 минг, бошқа худудларда – 92 минг, “Янги Тошкент”да 15 минг). Бугунги кунда 2 451 та уйларда (147 378 та хонадон) қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Шундан, 16 797 та хонадондан иборат 289 та уйлар фойдаланишга топширилган.



Ҳозирда қурилиш соҳасида талаблар кучайиб, стандартлар ҳам замонавийлашмоқда. Шу асосда 2022–2024 йилларда юздан ортиқ янги ва янгиланган шаҳарсозлик нормативлари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. 2025 йилда яна 29 та ҳужжат ишлаб чиқилиши режалаштирилган. 300 дан ортиқ стандартлар халқаро талабларга мувофиқлиги бўйича таҳлил қилинмоқда. Қурилиш материалларини текшириш

бўйича аккредитациядан ўтган лаборатория фаолиятини кенгайтирилмоқда. 2024 йил охирида халқаро ИСО/ИЕС 17043:2023 стандартига мувофиқ провайдерлик ваколатини олди. Энергия аудити соҳасида ҳам халқаро тажриба жорий этилмоқда: 12 та халқаро стандартни қабул қилиш таклиф этилди, зарур ускуна харид қилинди ва мутахассислар малакаси оширилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларда аъзолик мустаҳкамланмоқда, 221 та стандарт расмий веб-сайтга жойлаштирилди, 20 та синов усулини ўзлаштириш бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари рақамлаштирилмоқда, бюрократик тўсиқлар қисқартирилиб, инсон омилини камайтириш чоралари қўрилмоқда. Лойиха-смета ҳужжатларини келишиш, реконструкцияга рухсат бериш, архитектура топшириқларини тайёрлаш каби ишлар худудий бошқармаларга юкланади. Якка тартибдаги уй-жойлар бўйича баъзи функциялар туман бўлимларига ўтказилди. Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш ва фойдаланишга рухсат олиш жараёнла-

ри соддалаштирилди ва рақамлаштирилди. Барча шаҳарсозлик ҳужжатлари Геоаҳборот тизимига юкланиб, “рақамли эгизак”лар яратилади. 2025 йилда 150 га яқин аҳоли пункти ҳужжатлари тизимга жойлаштирилди. “Шаффоф қурилиш” тизими доирасида шаҳарларнинг рақамли эгизаги асосида ишлайдиган “Рақамли шаҳарсозлик кенгаши” платформаси яратилади. У орқали лойиҳаларни қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёنлари очиқ ва назоратга олиниб борилади. Бу тизим аввал Нукусда, кейин эса Тошкент ва Қарши шаҳарларида синов тарикасида жорий этилади. Бундан ташқари, қурилишда лицензиялаш, тендер ва рейтинг тизимлари ҳам тақомиллаштирилди. “Тузар жой” ва “Менинг уйим” электрон платформалари орқали кўп қаватли уйларни бошқариш тизими тўлиқ рақамлаштирилди. Суд ва бошқа тизимлар билан интеграция амалга оширилди.

Қурилиш жараёнидаги сўнгги янгиликлар, қутилаётган бошқа ўзгаришлар ҳақида оммавий аҳборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар тақдим қилинди.

Бухоро фарзанди – Карим Камолов хотираси мангу яшайди

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“... Бухоронинг содиқ фарзанди, меҳрибон устоз, заҳматкаш ва камтарин инсон – Карим Камоловнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади”, – дейилади Ўзбекистон Республикасининг Франция элчихонаси ҳамдардлик мактубида.

Ҳа, Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилаш учун ўзининг меҳнатини аямаган Карим Жамолович республикада ҳам алоҳида ҳурматга эга инсон эди. Ўзининг 47 йиллик фаолияти мобайнида улкан раҳбарлик қобилияти, инсоний ғазилатлари ортдан халқ дуосини олди.

Карим Камолов Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти-ни битирган. Меҳнат фаолиятининг илк йиллари қурилиш соҳаси билан боғлиқ.

Жумладан, “Ўзагроқурилиш” ва “Ўзжамооқурилиш” бирлашмаларида ишлаган. 1994 – 2007 йилларда Бухоро шаҳар ҳокими сифатида кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, шаҳар ободлигига бош бўлган. Шу даврда шаҳарнинг 2500 йиллиги кенг нишонланган, халқаро фестиваллар муваффақиятли ўтказилган. Тарихий обидалар таъмирланиб, туризм инфратузилмаси яхшилланган.

2007 – 2017 йилларда эса “20-трест” масъулияти чекланган жамияти раиси, 2017 йилдан эса яна Бухоро шаҳри ҳокими бўлиб ишлаган. 2020 йилнинг февраль ойи охирида Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси сифатида фаолият юритган.

– Карим Жамолович Бухоро ҳокими вазифасини бажаришга киришганга ҳали кўп бўлмаганди, – деди журналист Лайло Ҳайитова. – Аммо ишбилармон раҳбар қисқагина муддат ичида қўшни давлатлари Европа мамлакатлари инвесторлари билан ўлка ривожини учун сармоя кирита олди. У киши нафақат кексалар, балки Бухоро ёшлари қалбидан ҳам чуқур жой олган эди. Зеро, у билан ўтган



учрашувларда кечган самимий суҳбатлар, эмин-эркин мулоқотлар, кайфият улашадиган ёндашувлар бунинг ёрқин ифодасидир.

Карим Камолов бутун умр ҳалол меҳнат қилиб, азиз Ватанимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Халқнинг фаровон яшаши, биноларнинг мустаҳкамлиги, кўчаларнинг кўркемлиги учун жон қуйдириди. Давлатимиз ва халқимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланиб, у “Дўстлик”, “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотланган.

– Бутун ҳеч бир фуқаронинг бепарво бўлишга, ғафлатда қолишга ҳаққи йўқ.... Ишончимиз қимматли, бу қийин ва синовли дамлар халқимизни янада бирлаштишга, “COVID-19” балосидек офатни баҳамжихатликда енгитишга даъват этмоқда, – деган эди у ўз сўзида.

Афсуски, бу офат уни ҳам аяб ўтирмади. Карим Камолов 65 ёшида вафот этди. Умрини аҳоли турмушини яхшилаш, саноат, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва қолган барча соҳани шакллантиришга бағишлаган марҳумнинг хотираси Бухоро аҳли қалбидан мангу қолади.

Катта меъморнинг шонли йўли

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Азамат Тохтаев – Ўзбекистоннинг машҳур меъмори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор”, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги.

Катта лойиҳалар ижодқори ҳисобланган Азамат Тохтаев Ўзбекистон шаҳарларининг замонавий қиёфасини шакллантиришда катта из қолдирган меъмор ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги энг муҳим лойиҳалари сифатида Intercontinental меҳмонхонаси, Халқаро бизнес маркази, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, Toshkent Plaza савдо мажмуаси, Аквапарк мажмуаси, Форумлар саройини айтиш мумкин. Шунингдек, 1983 йилдан бошлаб Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Экспериментал илмий-реставрация архитектура-бадиий устохонасида бош меъмор, кейинчалик директор лавозимида фаолият юритган. 1993-1998 йилларда “Ўзинтерстрой” фирмаси (Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошида) директори бўлиб ишлаган.

1998 йили Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси қурултойида уюшма раиси этиб сайланди ва ханузгача ушбу ташкилотга раҳбарлик қилиб келмоқда. 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси лавозимида тайинланган. 2008-2017 йилларда раис ўринбосари, 2017-2019 йилларда биринчи ўринбосар лавозимида фаолият юритди. 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси ҳузуридаги Архитектура ва объектлар қурилиши бошқармасини бошқарган. 2019 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида масъул лавозимда хизмат қилиб келмоқда.

А. Тохтаевнинг мустақил Ўзбекистон архитектура ва шаҳарсозлик соҳаси ривожига қўшган улкан ҳиссаси эътироф этилиб, 1-даражали Ўзбекистон Давлат мукофоти, “Меҳнат шухрати” ва “Дўстлик” орденлари, “Содиқ хиз-

матлари учун” медали билан тақдирланган.

Ўзига хос лойиҳаларида қадимий ва ўрта аср Ўрта Осиё меъморчилик анъаналари билан модернизмнинг изланишлари ўзаро уйғунлаштирилди. Айниқса, тарихий обидаларни қайта тиклашда, масалан, Бухородаги “Арк” қалъаси ва вилоят ўлкашунослик музейи лойиҳаларида меъморий мерос қатламларини назорат қилиб, улардан илҳомланган ҳолда замонавий шакллари яратди. Ушбу лойиҳаларнинг визуал ечимини қўйиш қисмида мустаҳкам, монолит асос, юқори қисмида эса замонавий, енгиллаштирилган кўргазма заллари ва маъмурий бино шакллари билан бойитилган.

Азамат Тохтаевнинг ушбу лойиҳалари нафақат ўз даври архитектура тарихида, балки Ўзбекистон меъморий меросида ҳам алоҳида ўрин эгаллаб, унинг профессионал йўналишидаги асосий тамойиллар ва қарашларини шакллантирди. Шу билан бирга, улар келажак авлод меъморлари учун бебаҳо тажриба манбаи бўлиб хизмат қилди.

Қаҳрамонимиз чин маънода жонқуяр инсон. Энг кўп ўйлантирадиган масалаларидан бири миллимизнинг бутунлиги ва келажак, маънавий ҳамадан маданий ривожидир. Устозлардан олинган соҳа сир-асрорларини келажак авлодга тўғри етказиб бериш йўлидаги жонбозлиги ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Азамат Тохтаев фикрича, бутунгиз кунда ҳам кўплаб ёшлар ўзларининг иқтидори, истеъдоди билан эътирофга сазовор бўлмоқда. Уларни янада рағбатлантириш, ҳақиқий истеъодларни кашф қилиш бутуннинг вазифаси ҳисобланади. Бу йўлда устоз-шоғирликнинг аҳамияти бекиёс. Мақоламиз орқали Азамат ака каби буюк устоз-меъ-



морларнинг босиб ўтган улкан ижодий ва бунёдкорлик йўлига самимий ҳурматимизни изҳор этиш, шу билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлод қалбидан ушбу соҳага чуқур муҳаббат ва қизиқиш уйғотишни мақсад қилдик.

Инсонни қадрлаш, ўтганларни ёд этиш халқимизга хос олижаноб ғазилатлардан бири. Азамат Тохтаев ҳам соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишда таълим берган, архитектору сир-асрорларини дилига жо этган устозларини доимо юксак ҳурмат билан ёдга олади. Бу хислат унинг таълимини олган ёшлар учун чинакам ибрат намунасидир.

Азамат аканинг таъкидлашича, иқтидорли ёшларни топишнинг ўзи муаммо эмас – асосий масала улар учун муносиб имкониятлар яратиш, салоҳиятларини рўйбга чиқарадиган шароитларни таъминлаш ва амалий тажриба орқали уларни ривожлантиришдир. Азамат Тохтаев нафақат ўзи йўл очган, балки мактаб яратган, из қолдирган улғу меъмор. Унинг илмий ва амалий мероси кўплаб ёшлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Миллатнинг ривожини, аввало, ана шундай жонқуяр устозлар, ўз умрини касби ва ёшлар тарбиясига бағишлаган инсонлар билан боғлиқдир. Азамат ака ҳамон ёшларга маслаҳат бериб, уларга йўл кўрсатишдан чарчамайди ва унинг мероси яна кўп йиллар ёшлар учун йўлчирик бўлиб қолади.

Азамат Тохтаевнинг ижодий фаолияти Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим бурилишларга, хусусан, мамлакат мустақиллигининг эълон қилинишига тўғри келди. Унинг ўзи биз билан суҳбатда бу борада шундай деди:

– Мен ўзимни бахтли инсон деб ҳисоблайман. Чунки Ислон Каримов ва

Шавкат Мирзиёев каби буюк шахслар билан ишлашга муяссар бўлдим. 2016 йилгача асосан классик услуб устувор бўлган бўлса, 2016 йилдан кейин қурилиш соҳаси ҳақиқий индустрияга айланди. Бу даврда замонавий трендлар, модернизм услуби бирламчи аҳамият касб этмоқда. Юртимизнинг меъморий қиёфаси тубдан ўзгариб, қўқурилишдаги улкан салоҳиятимиз юзасига чиқди.

Бутун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқимиз фаровонлиги йўлида тинимсиз иш олиб боришмоқда, жамият янгилашмоқда, шаҳарлар қиёфаси тобора яхшиланишмоқда. Президентимиз архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор яратиш вазифасини илгари суриб, йирик мега лойиҳаларнинг ташаббусқори бўлмоқда.

Академик Акбар Ҳакимовнинг “Архитектор – Азамат Тохтаев” номли китоб-альбомида Виолле де Люкнинг бир асрлар муқаддам ёзган қуйидаги: “... агар қурувчи янги архитектура формаларини яратмоқчи бўлса, у олим ва мусаввир бўлиши керак...” деган мисралари бор. Замонамизнинг буюк архитекторларидан бири Азамат Тохтаевнинг ижодий фалсафаси ва архитектура таърибасида архитектурага санъат даражасида қараш ва қурилиш техникасини фундаментал билиш чамбарчас боғлиқ.

Азамат Тохтаевнинг эътирофича, бу жараёнлар архитектура санъатида ўзининг ёрқин ифодасини топтоқда ва Ўзбекистон ўзининг таъсирчан меъморий ижод намуналарини билан дунёни ҳайратга солмоқда. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, Азамат Тохтаевга юртимиз ободлигига узок йиллардан бери қўшиб келаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирамиз!

Аҳад Очиллов



Шу йилнинг 19 февраль куни давлатимиз раҳбари “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармон ва “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолаганди.

Фармонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 10 минг АҚШ долларидан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳар бирига 25 миллион сўмдан, 1941-1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларининг ҳар бирига эса 3 миллион сўмдан пул мукофотлари берилиши белгиланди.

Бўрон Гадоев ва Аҳад Очиллов – бутун Иккинчи жаҳон урушининг Самарқанддаги тирик

гувоҳлари, ўша олис ва оғир йилларни ўз тақдирда, танасида ҳис қилган инсонлар, икки асрни кўрган ва асрга тенгдош отахонлар.

Бўрон Гадоев 1925 йилда Ургут туманидаги Испанза маҳалласида туғилган. Урушга 1943 йилда 18 ёшида юборилган. 7-Белоруссия фронтида хизмат қилган. 3 йил давомида 91-инженерлик қўшинида бўлим бошлиғи бўлган.

1946 йилда хизматдан қайтиб, ҳаётини педагогика соҳасига бағишлаган. 5 нафар фарзандни вояга етказган. Ҳозир юздан ортиқ неваро, эвара, чевараларнинг дуоғўйи бобоси. Бир неча йил олдин отахоннинг хонадонида бўлиб, у киши билан суҳбатлашганимизда айтган гаплари ҳеч едимдан чиқмайди.

– Қарийб эллик йил муаллимлик қилдим, мактабни бошқардим, ёшларга таълим-тарбия бердим, – деганди Бўрон бобо. – Худога шукр, барча соҳаларда ишлайдиган шоғирларим қўп. Йўқлаб туришади, хурсанд бўламан. Шоғирларимга, бутунги ёшларга кўп айтаман: бундай тинч-хотиржам замон ҳеч қачон бўлмаган. Ўзим ҳам ҳар куни Яратгандан тани-сихатлик, хотиржамлик сўрайман. Бошқа нарсаларга меҳнат билан эришиш мумкин. Лекин танингиз соғ бўлма-

са, уйда, юртда хотиржамлик бўлмаса, кўнгилга ҳеч нарса сиғмайди-да. Хотиржамлик учун бутун ҳамма ҳамжихат бўлиши керак.


Аҳад Очиллов 1925 йилда Самарқанд туманидаги Саховат маҳалласида туғилган. 1942 йилда урушга кетган. 2-Украина фронтида жангларда қатнашган. Урушдан кейин Аҳад Очиллов ҳам таълим соҳасида меҳнат қилган 1949 йилдан 2006 йилгача Самарқанд туманидаги 3-ўрта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудирини сифатида фаолият кўрсатган. Умр йўлдоши Зубайда Очиллова билан уч ўғил, уч қизни камолга етказган.

– Танқачилар дивизияси билан Днепр, Украина, Молдавия, Венгрия, Чехословакияни озод қилишда иштирок этдим, – деб уруш йилларини хотирлади шу йилнинг 10 март куни 100 ёшга тўлган Аҳад Очиллов. – Германияда бўлдим. Бу киргинбаротда ёш бошим билан омон қолганимнинг ўзи мўъжиза. Қайтиб келганимда юртимизда турмуш тарзи, одамларнинг ҳаёти жуда оғир эди. Ҳамма нарса фронтга юборилган, йўқчилик, очарчиликни бошдан ўтказдик. Мен кўрган нарсаларни ҳеч бир авлодим кўришини истамайман...

Ватан равнақи ва тинчлиги йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди



Бўрон Гадоев



“QISHLOQQURILISHLOYIHA”

Mehr–oqibat va ahillik
tuyg‘ularini mujassam
etuvchi bayram –

Xotira va qadrlash kuni

bilan yurtdoshlarimizni
muborakbod etamiz!

Barchangizga sog‘liq,
omonlik, tinchlik hamisha
hamroh bo‘lishini tilaymiz.

Уни кўплар танирди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳар бир инсоннинг умри қанча йил яшаганида эмас, балки ундан келажак авлодга ибрат бўладиган нималар қолгани билан ўлчанади. Андижоннинг Бўз туманида таваллуд топган фидойи архитектор Абдухалил Абламитов ҳаёт бўлганида бу йил 77 ёшни қаршилаган бўларди.

У кишининг ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги вайронагарликларни қўриш ва уларни қайта тиклаш, янги иншоотлар қўриш билан бевосита боғлиқ. Вақти келиб, гўзал лойиҳаларни чизиб, эл-юртга танилишида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида олган билимлари, устозларидан ўрганганларию Красноярский, Хакасия, Москва, ҳозирги Санкт-Петербург ҳамда Болтиқбўйи республикаларида амалиёт ўтаганлари асос бўлди.

Ўша кезлари собиқ Иттифок республикаларидаги катта шаҳарларни ривожлантириш режаси “Ленинпрогор” лойиҳа институтида қўриб чиқилгани учун талабаларнинг диплом ишлари ҳам бевосита шу жойда тасдиқланарди. Ташкилот раҳбари Лев Николаевич Абдухалил аканинг Киев шаҳрида 300 ўринли “Ёшлар уйи” меҳмонхонаси бўйича тайёрлаган дипломли иши билан танишаркан, бўлажак меъморнинг истеъдодини қўриб, “Наҳотки, ҳали ишлашга улгурмаган талаба шу даражада зукко бўлса”, деб уни Самарқанддан чақириб олади. Яна бир бор синаб қўриш мақсадида Таллин, Рига, Вильнюс, Каунас шаҳарларининг янги лойиҳасини чизиш ҳамда бу жараёнда нималарга эътибор қаратиш юзасидан топиширик беради.

Абдухалил Абламитов учун бу ўта оғир вазифа бўлсада, уч ой оралиғида уни уддалаб, минг нафарга яқин институт жамоасини лол қолдирди. Синов шу билан тугамаган эди. Навбатдаги топиширик – Самарқанд шаҳри марказида 1000 ўринли меҳмонхона қурилишининг яхлит режаси бўйича бинонинг фундаменти ҳисоби, зилзилабардошлиғи, фасад қисмлари лойиҳасини тайёрлаш бўлди. Бу сингари синовлардан кўзланган мақсад, бўлажак меъмор салоҳиятини чиғирикдан ўтказиш билан бирга, уни институтда



ишга олиб қилиш экани кейинроқ маълум бўлди.

Аммо у барча таклиф ва ваъдаларни рад қилиб, жонажон Андижонига қайтди ҳамда вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасида фаолият бошлади. Бу ерда талантли архитектор Туроб Маҳмудовдан (мархум) соҳага оид жуда кўп нарсаларни ўрганди. Шундан сўнг, Асака шаҳрига бош архитектор, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасида архитектириш бошқармасида саноат бўлими директори, “Ўзгипросельстрой” лойиҳа институтининг Андижон филиали бош муҳандиси, “Андижонфүқаролияйха” институтида ишлади. Устозидан олган сабоқларига таяниб, 30 дан ортиқ лойиҳаларни яратишга муваффақ бўлди.

Тажрибали меъмор республикадаги кўплаб нуфузли ташкилотларда фао-

лият кўрсатди. Жумладан, Тошкент вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармасида бош мутахассис, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида бўлим бошлиғи каби вазифаларида ишлаган даврида ёш кадрларга тажрибаларини ўргатди.

1972 йилнинг ёз чилласи эди. Андижонда кечаю-кундуз қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авжига чиққан, архитектор сифатида айрим объектларда бажарилаётган ишларни ўзи назорат қилиб юрган кунлардан бирида турмуш ўртоғи Дилдора опа қўнғироқ қилиб, тезда уйга етиб келишини айтди. Хавотирда хонадонига қанча вақтда кириб келганини ҳам сезмади. Уни тинчлантирган Дилдора опа қўлига бир хатни тутқазди. Мактубни Киев-ЗНИИП лойиҳа институтидан Николай Гранаткин юборган бўлиб, унда шундай жумлалар ёзилганди:

– Хурматли Абдухалил Абламитов, сизнинг диплом ишида тайёрлаган лойиҳангиз бўйича Киев шаҳри марказида 300 ўринли “Ёшлар уйи” меҳмонхонаси қурилиб, фойдаланишга топирилди. Бунинг учун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор қиламиз ва ижодий ишларингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз...

Бундан қувонган архитектор биринчи тайёрлаган лойиҳаси бўйича қад

ростлаган ўша меҳмонхонани албатта, бориб қўриш ниятида эди. Аммо насиб этмаган экан, бевақт ўлим шундай инсонни орамиздан эрта олиб кетди.

Халқимизда от изини той босар, деган гап бор. Абдухалил Абламитов фаолияти давомида кўплаб шогирдларни тайёрлаш қаторида, фарзандларини ҳам ватанга муносиб кишилар бўлиб етишишини таъминлади. Дилёражон, Шухратжон, Азизахон ва Дилнозахонларни номига мос касбларда ўқитди. Улар ҳам бугунги кунда ўз соҳаларида йирик мутахассислар сафидан жой олган.

Яхши кишидан яхши амаллар қоларкан. Андижон, Самарқанд, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида ўз даврида қурилган иморатларнинг кўпида тажрибали архитектор ишлаб чиққан лойиҳалар ҳамон акс этиб турибди. Улар хали кўп йиллар халқимизга хизмат қилади.

Боланинг бегонаси бўлмайди

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori”
мухбири.

Каттақўрғон шаҳрида Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини бор. Бу мўъжаз маҳалла аҳолиси бири-бири билан ҳамжихат яшайдилар. Улар ҳамиша қалбларидаги меҳр-муҳаббатлари билан маҳалладошга ўрнак. Ушбу ораста ва обод маҳаллада уруш қатнашчиси Ҳамид Самадов бюсти ўрнатилган.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни, қолаверса, бошқа байрамларда ҳам маҳалла аҳли бюст остида жам бўлишади. Бу улуг инсон ҳамда унинг қилган эзгу ишларини ёдга олишади. Зеро, у юксак кадр ва хотирлашга арзийдиган ишларни амалга оширган.

– Маҳалладошларимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасини асло ёдларидан чиқаришмайди, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муаттар Тешаева. – Ана шундай инсонлардан бири – ҳаммамиз учун бирдек хурматга сазовор инсон Ҳамид Самадовдир. Сабаби, бу инсон Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, душманга қарши курашишдан ташқари, яна кўплаб савобли ишларни амалга оширган. 1943 йилда жангда оғир яраланиб, Каттақўрғон шаҳрига қайтарилган. Шаҳар вокзалига кириб келган пайтда атрофда қаровсиз юрган бир неча гўдакларга кўзи тушди. Қараса, ҳаммаси хар хил миллат вакиллари. Бири ўзбек, иккинчиси татар, бошқаси рус, борингки, украин, арман, белорус, молдован фарзандлари ҳам бор. Ҳамид ака гўдакларни қўриб, меҳри жўш уради. Ўзи ярадор бўлишига қарамай, улардан бирини даст кўтариб, ота-онаси ҳузурига шошади. Аввалига уйдагилар урушга кетган ўғлининг қў-



лида нотаниш гўдак билан кириб келишдан ажабланган. Лекин дарров аниглашдики, мамлакатда уруш бўляпти. Ота-онасиз қолган бундай гўдаклар эса кўп. Демак фарзандларининг уларга нисбатан меҳри ошган. “Нима қилибди, уйдаги олти фарзандига яна бир фарзанд қўшилибдида. Вазият қанчалик оғир бўлсада, бокиб олишга қурбимиз етар”. Шундай ўйда онаси ўғлининг қўлидаги гўдакни бағрига босди. Ўғли эса эртасига, инданига ҳам кўчада қолган шундай гўдакларни олиб келаверди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ҳамид Самадов бир эмас, нақд ўн уч нафар етим болани ўз жигаргўшасидек парвариш қилди. Ўз фарзандларига берадиган бир бурда нонга уларни шерик қилди, бошқалардан кам қилмай вояга етказди.

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳануз битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам...

Уруш тугаган йилларда шоирларимиз Ватан химоячилари ҳақида кўплаб шеърлар ёзарди. Маҳалла аҳли эса одамлар тўпланган жойларда, тадбирларда, мактабларда шундай шеърларни ўқиб, уруш жароҳатидан жабру ситам

кўрганлар қалбига малҳам бўлишга ҳаракат қилардилар. Лекин айтишимиз керакки, Каттақўрғонда Ҳамид Самадов сингари қалби қайноқ, меҳри жўшқин, хар қандай бегона гўдакни ўз фарзандидек севиб эркалайдиган инсонлар кўп эди. Аммо уларнинг бирортасини Ҳамид Самадов билан тенглаштириб бўлмасди. Ҳамид бобонинг фарзанди Баҳодир Самадов отаси ҳақида шундай эслайди:

– Отамни 1939 йилда ҳарбий хизматга чақиритган. Хизмат даври охирига етмай мамлакатда уруш бошланиб, хизматдаги отам сафдошлари билан фронтга жўнатишган. Шундай қилиб, у бошқалар сингари икки-уч йил эмас – етти йил давомида ҳарбийлар орасида бўлди. Душманга қарши оғир жангларда қатнашди. Улардан бирида яралангач, ортга қайтишга мажбур бўлган.

Бугун мамлакатимизда тинчлик, осойишталик. Хар бир хонадонда фаровонлик, ободлик, орасталик. Халқимиз бундай кунларнинг қадрини яхши билади. Бундай дамларимиз учун қурашган ота-боболаримиз руҳларини эслашди, қадрлашади. Бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни ҳам Ҳамид бобо каби фидойи инсонлар ёди билан ўтишига шубҳа йўқ.

Қанча эмас, ҚАНДАЙ ЯШАШИМИЗ МУҲИМДИР

Зиё СИРОЖ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Халқимизда “Зар қадрини заргар билади”, деган нақд бор. Худди шунингдек, осойишталикда ўтаётган кунимиз қадрини биздан кўра уруш кўрган отахонлар, фронт ортида меҳнат қилиб, бугунги кун илинжида очликни, хорликни бошидан кечирган момоларимиз яхши билишади.

Баъзан, ишимиз юришмаса, режаларимиз амалга ошмаса, шу кунимиздан нолиймиз. “Бугунги кун мен учун яхши бўлмади”, дея хафа бўламиз. Аслида, ҳар бир дақиқамиз биз учун янги имкониятлар палласи эканлигини доим ҳам ҳис қилавермаймиз.

Пахтаобод туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи уруш қатнашчиси Умарали ота Отабевнинг умр йўлига разм солар эканмиз, бугунгидек фаровон турмушга эришишнинг ўзи бўлмаганига амин бўламиз.

– 1942 йилнинг август ойи эди, – дея хотирлади Умарали ота биз билан суҳбатда. – Гарчи, Ўзбекистон уруш майдонига айланмаган бўлсада, бироқ, унинг дахшатли фожиалари соя ташлаган, фронт орти майдонига айланган эди. Барча меҳнатларимиз фронт учун, тинчлик учун, Ватан ҳимояси учун эди. Биз бутун вужудимиз билан уруш тугагини хоҳлар эдик. Шу боис, ўзини эр билган йигит борки урушга отланар эди. Мен ҳам фронтга кетдим. Дастлаб, Украинада ўқчи батальонида хизмат қилдим. Урушда жонингни ўйламайсан, фақат, тинчлик учун курашасан. Сабаби, уйингданги ота-онанг, оила аъзоларинг, яқинларинг, ҳамқишлоқла-

ринг кўз ўнгингдан ўтади. Улар сенга илҳақ эканлигини, ғалаба қозониб, бошингни тик тутиб боришинг кераклигини тушунасан. Сени шу мақсадда кузатдилар. Шу боис гарчи, икки марта яраланган бўлсамда, мақсад сари талпинишда давом этавердим. Ортга йўл йўқ эди. Кўксимни ёвнинг ўқиға тутиб бўлсада, тинчлик учун курашдим. 1945 йили уйға қайтганимда маҳалладошларимнинг юзидаги қувончни, мамнунлиқни кўриб, жонимни гаровға қўйиб бўлса ҳам жанг қилганимга шукр қилдим. Юзим ёруғ эди! Боиси, мен ғалаба билан қайтиб келдим!

Умарали ота ортда қолган йиллар давомида жамиятнинг энг олдинги сафида бўлди. Урушдан кейинги тикланиш давлари ҳам осон бўлмади. Ҳар бир соҳада янги даврни бошлаш, оёққа туриш керак эди. Бунинг учун керак бўлса йиллар давомида меҳнат қилиш, фақат олдинга қараб интилиш лозим эди.

– Урушда ортга йўл йўқ, – дея суҳбатда давом этди отахон. – Қолаверса, тирик қолишга ҳам умид йўқ эди. Шу боис, бутун вужудимиз билан жанг қилдик. Сўнгги қонимизни ҳам юрт тинчлиги учун тўкишга аҳд қилдик. Зеро, бизнинг жонимиз, ҳаётимиз эвазига яқинларимиз омон бўлишини хоҳла-



дик. Шукрлар бўлсинким, менинг ҳам ҳаётда ҳақким бор экан, урушдан омон қайтдим. Бугунги кундаги ўзгаришларни кўриб, ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқларга гувоҳ бўлиб, бежиз жанг қилмаганимга амин бўламан. Қай бир маҳаллага қараманг, ободлик ҳукмрон. Юртнинг катталари уйимизга келиб, ҳолимиздан хабар олиб турибди. Бир кафтдек ердан ҳам катта даромад олишни ўргатишяпти. Буларни кўриб, яна юз йил яшагим келяпти!

Қаҳрамонимиз бу йил юз баҳорни қарши олди. Айни пайтда 7 нафар фарзанднинг, 22 нафар набира, 50 нафар чевара, 4 нафар эваранинг кўршовида умргузаронлик қилмоқда. Гарчи, уларни юзларидан танисада, исмларини чалкаштириб қўйиши ҳам бор гап. Бир сўз билан айтганда, ўзидан кўпайиб, бир жонидан бир даврани яратиб яша-яптилар.

– Отахоннинг суҳбатлари, маслаҳатлари, ўғитлари биз учун сабоқ мактаби вазифасини ўтайди, – деди Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходими Рустамжон Эшонов. – Уларнинг фикрлари бугунги кунимизга шукр қилиб яшашни, бизга берилган ҳар бир дақиқадан тўғри ва унумли фойдаланиш кераклигини англатади. Аслида, ортда қолаётган ҳар бир кунимиз янги давр учун кураш майдонига айланган. Биз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари ана шу майдоннинг қаҳрамонлари бўлишимиз учун Умарали ота каби фахрийларимиз, нуронийларимиздан ўрнак олишимиз керак.

Аслида умр жуда қисқа... Бироқ, уни қанча яшашимиз эмас, қандай яшашимиз муҳимдир! Уруш қатнашчиси Умарали ота Отабевнинг ҳаётига разм солиб, ана шу хулосага келдик.

ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙСИЗ

Шахноза ҚАЛАНДАРОВА, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

Ҳар бир тизимда ҳамкасбларига ёрдамга шай, меҳнатсеварлиги билан намуна бўладиган инсонлар бўлади. Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходими, марҳум Анварбек Утамуратов ҳам шундай қалбидарё инсон эди.



шанбек Аллаберганов. – Кези келганда, қаттиққўллик қилар, керак пайтда ёрдам қўлини чўзишдан ҳам сира қочмаган. Ёшларга иш юритиш тартибини миридан-сиригача эринмай ўргатарди. Қолаверса, меҳнатларимиз муносиб кадрланишида ҳам у кишининг ҳиссаси катта.

Анварбек Утамуратов 1976 йил 13 ноябрда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. 1999 йилда Урганч давлат университети-ни архитектура мутахассислиги бўйича таъомилган. Ўша йилдан бошлаб давлат ташкилотларида меҳнат қилган. Ўз соҳасининг етук мутахассиси, оққўнгил ва самимий инсон, меҳнат фаолияти даврида ҳалоллиги, кенг билим ва дунё қарашига эга эканлиги билан барча ҳамкасбларининг меҳрини қозонди, жамоада юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди.

Соҳадаги 16 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда ишлаган Анварбек Утамуратов янги ишга келган ҳар бир ёш кадрни профессионал бўлиб шаклланиши учун меҳнатини аямаган.

– Анварбек ака ҳар бир масалада маслаҳатдошимиз эди, – дея у кишини хотирлади шогирди ва ҳамкасби Рав-

ча ҳамкасбларининг меҳрини қозонди, жамоада юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Қадрли ҳамкасбимиз, фидоий ва эл қорига камарбаста фарзандлар тарбиялаган меҳрибон ота – Анварбек Рустамовичнинг ёрқин хотираси ҳеч қачон унутилмайди, қалбимизда мангу яшайди.

9 MAY

XOTIRA VA QADRLASH KUNI

QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI, GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI

Ўчмас хотира

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Меъморчилик – бу нафақат бинолар, балки инсоннинг ўзи, унинг қалби, руҳи, орзулари билан боғлиқ санъат. Ҳаётини мана шундай улуг санъатга бағишлаганлардан бири Зокиржон Юсупов 1957 йилда Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманида дунёга келган.

У оддий хизматчи оиласида туғилиб ўсган бўлсада, унинг орзулари ҳар доим баланд бўлган. У ёшликдан атрофдаги тузилмалар, эски масжидлар, қадимий миноралар, қишлоқ уйларининг шакллари, ҳатто оддий ариқ ва кўприклар ҳам унда қизиқиш уйғотарди. Шу меҳр уни Тошкент политехника институтининг архитектура факультетига олиб кирди. Бу ерда у нафақат техник билимлар, балки эстетик дид, баъдий кўриш, тарихий онг ва масъулият туйғусини ҳам шакллантирди.

Ўқишни тамомлаб, 1979 йилда Тошкент шахридаги Шайхонтоҳур туманидаги лойиҳалаш институтида иш бошлаган Зокиржон Юсупов қисқа фурсатда ўз билим ва меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Оддий меъмордан катта меъморгача бўлган йўлини у ҳалол меҳнат, ижодий изланишлар, юксак фидойилик билан босиб ўтди. Бу йиллар давомида у кишининг кўли теккан лойиҳалар шаҳар манзарасида, янги уйлар, йўллар ва ижтимоий биноларда ўз аксини топди.

Кейинчалик туғилиб ўсган жойи Наманган вилоятига қайтиб, Янгикўрғон тумани бош меъмори сифатида ишлади. Бу ерда ҳам у кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этди. 1993-1994 йилларда эса Наманган вилоятининг Янгикўрғон, Чортоқ ва Косонсой туманлари Автомобиль йўллари бошқармасида бош меъмор бўлиб ишлади. Бу даврда йўл инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт тизимини замонавийлаштириш, хавфсизлиқни ошириш борасида муҳим

ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан барчанинг қалбида чуқур из қолдирди.

Азим Тошкентга қайтганидан сўнг, 2000-йиллардан бошлаб Зокиржон ака Архитектура ва қурилиш қўмитасида фаолият юритди. У ерда у фақат ижрочи эмас, балки тажрибали раҳбар, устоз, маслаҳатгўй, ёшлар учун намуна бўла олди. Ҳамкасблари уни нафақат билимли мутахассис, балки самимий инсон, юксак маданият соҳиби сифатида қадрлашди. Зокиржон Юсупов умрининг сўнгги кунларига қадр фаолиятини тўхтатмаган, меҳнатдан қочмаган инсон эди. У архитектурада вақтинчалик эмас, балки абадий из қолдиришга интилди. Бугун Тошкент ва Наманган шаҳарларида у иштирак этган, у асос солган лойиҳалар инсонларга хизмат қилмоқда, шаҳар манзарасига уйғунлик, гўзаллик, қулайлик бағишламоқда.

Зокиржон Юсупов хотираси – бу нафақат оиласи ва яқинлари, балки бутун меъморлар жамоаси учун гўзал хотира билан эслаш фурсатидир. У ҳаёти давомида нафақат лойиҳалар яратди, балки ўзига хос мактаб, ўзига хос ёндашув қолдирди. Унинг номи йиллар давомида унутилмай, янада порлоқ хотирага айланади. Зокиржон ака билан 39 йил давомида ҳамшира ёнма-ён туриб, ҳаёт кечирган Зулфия опа турмуш ўртоғини ушбу жумлалар билан хотирлади:

– Ҳар доим янги нарсаларни ўрганишга ҳаракат қиларди. Изланувчан, ўзи билган нарсаларни ҳаммага ўргатишга оқибарди. Касбига ҳам, оиласига ҳам меҳрибон, ҳурмат билан муносабатда бўларди. Серха-



ракат, меҳнаткаш инсон эди. Энг муҳими, оққўнгил, бағрикенг одам эди. Мен шундай инсон билан яшаганимдан фахрланаман.

– Зокиржон ака дарёёдил, шинаванда инсон эди, – деди узоқ йиллар бирга меҳнат қилган шоғирдларидан бири Аҳмаджон ака. – Ҳар бир инсонга алоҳида эътибор берар, қўлидан келган ёрдамни аямасди. Инсонийлиги бебаҳо эди. Эсласанг ҳам кўнгил ёришадиган шахсият. Менимча, шундай одамларни чинакам инсон дейиш мумкин. Ҳамиша руҳи шод бўлсин!

Яхшиларнинг қилган иши ҳам яхши бўлади...

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолар”, деган мақол бор. Бу фикрнинг айни ҳақиқат эканига бугун яна бир бор амин бўялпмиз. Албатта, бу ибора фақат боғбонларга қарата айтилмаган. Зеро, кимдир боғ яратиб, тилга тушса, кимдир деҳқончилик бўйича донг таратади. Бошқа бири тикувчилик қилиб, қанчадан-қанча шоғирдлар етиштириб чиқаради.



лиги, “Горсельпроект”да бош инженер лавозимларида фаолият юритган.

А. Мухитов қаерда ишлагансин, ўзининг билим ва тажрибасини, маҳорат ва меҳрини аямади. Унинг меҳнатлари натижасида барпо этилган Нукус педагогика институти бош корпуси, Нукус халқаро аэропорти конференцзали, Спорт манежи ва Нукус санъат саройи реконструкцияси, “Дослик” канали атрофини ободонлаштириш, кўплаб турар жойларни янгитдан қуриш, Нукус шаҳридаги Тест маркази биноси, Мўйноқ туманидаги Амфитеатр, Муסיқа ва санъат мактаби каби яна кўплаб бинолар бутунги кунда ҳам савлат тўкиб турибди.

– Ҳар қандай лойиҳа қурилишининг асосий мағзини ташкил қилади, – деди унинг шоғирдларидан бири Медет Аманов. – Шунинг учун қандай лойиҳа бўлишидан қатъи назар, кўпчилик томонидан, яъни, билимли тажрибали мутахассислар иштирокида талқин қилиниши, пухта ўрганилиб, ундан кейингина ишга юборилиши керак, дер эди устоз ҳар доим. Устозимиздан ўрганганларимиз жуда кўп. Биринчи навбатда, муомалага эътибор қаратар эди. Лойиҳа тузиш, уни тайёрлаш кетма-кетлиги, нормативларга мослиги ҳам эътибордан четда қолмасди. Бу талабларга бугунги кунда ҳам амал қилиб, кам бўлмапмиз.

Абат Мухитовнинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенесининг фахрий ёрлиғи, 2003 йилда яратган лойиҳаларининг ўзига хос архитектураси ва ижодий меҳнати учун Бердақ номидаги давлат мукофоти, “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўсатган қурувчи” унвони билан тақдирланган.

Бугунги кунда Нукус шаҳри ёки туманлар кўчаларини кезар эканмиз, қурувчиларнинг меҳнати ва ижоди асосида барпо этилган чиройли уйлар, кўча ва хиёбонларни кўриб, бу касбнинг нақадар улуг эканини сезамиз. Шу боис, уларнинг меҳнатлари асплар оша яшашига тан берамиз. Мана шу бунёдкорлик намуналарини барпо этишда қорақалпоғистонлик меҳнаткаш, қурувчи-архитектор А. Мухитовнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

“Юрт ободлиги – умрим мазмуни”

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида фидойилик кўрсатиб, юрт ободлигига катта ҳисса қўшган бухоролик меҳнаткашлардан бири – Жўра Исломовдир.

У 1971 – 1973 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб, 1974 – 1979 йилларда Тошкент политехника институтида саноат ва фуқаролик қурилиши йўналишида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини “Ўзбекгаз-саноати қурилиши” трестига қарашли ихтисослашган уй-жой қурилиш бошқармасида бошлаган. Илк иштини чексиз меҳр билан бошлаган қурувчи 1981 йилдан “Жондор таъмир қурилиш” корхонасида иш юритувчи, бош муҳандис ва раҳбар лавозимларида самарали фаолият юритган.

Меҳнат фаолияти давомида тумандаги қатор мактаб, коллеж, тиббиёт муассасалари ҳамда чорвачилик комплексларини барпо этиш ишларида фаол қатнашган. Шунингдек, ёшлик йилларида ўз салоҳиятини ошириш мақсадида Москвага бориб, қурилишдаги илгор тажрибаларни ўрганиб қайтган. У тарихий бинони бўзмасдан, 22 метрга кўчириш каби мураккаб технологик жараёнларда қатнашган. Бу эса унинг англиялик очиклиги ва тажрибасининг кенглигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Намунали уй-жойларни қуриш лойиҳаси” доирасида кўплаб қурилиш корхоналари ташкил қилинди. Шу қаторда 2011 – 2021 йилларда Жўра Исломов раҳбарлик қилган “Жондор таъмир қурилиш” корхонаси жамоаси ҳам бир қаватли коттежлар ва кўп қаватли турар жойларни сифатли қуриб, фойдаланишга топширган.

– Устозларим Савелий Сардониви ва Фармон Амоновнинг берган сабоқлари ҳамда оиламнинг елкадошлиги ҳаётимдаги энг муҳим устунлардан бўлган, – деди Жўра Исломов. – Олти нафар фарзандим бор. Уларни тарбиялашда, оиламнинг осойишталигини сақлашда аёлимнинг ўрни катта деб биламан. Фарзандларимнинг ҳаммаси олий маъмулотли. Улар ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланишади. Бир нафар ўғлим ота касб деб, 2009 йилдан буюн “Қурувчи Сухроббек” ихтисослашган таъмирлаш ва қурилиш хусусий корхонасига раҳбарлик қияпти.



Бугун Жўра ака нафақада. Аммо у хар сафар ўзи қурган бинолар олди-дан ўтаётиб, умри самарали ишларга сарфлаганидан фахрланади. Унинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари давлат томонидан эътироф этилиб, Мустақиллиқнинг 20, 25 ва 30 йиллиги ҳамда Конституциянинг 25 йиллиги эсдалик нишонлари ҳамда “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган.

– Бундан 40-45 йил илгари қурилиш материалларини олиш учун узоқ вақт навбатда турардик, – дея ўтган кунларни хотирлайди фахрий қурувчи Жўра Исломов. – Бугунги кунда эса кўп қаватли уйлар қурилиши тезлашиб кетди. Ёш ва меҳнатга иштиёқманд қурувчиларга мустақиллик берган бу имкониятдан виждон билан, илм билан фойдаланишлари кераклигини кўп айтаман. Улардан ҳозир ҳам тажриба ва маслаҳатларимни аямайман. Агар қурилган бино сифатли ва чиройли бўлса, юртимиз кўркем, халқимиз фаровон яшайди. Зеро, юрт ободлиги умримиз мазмунидир.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунинда ўтганларни руҳини ёд этиш билан бирга, Жўра Исломов каби умрини, билим ва маҳоратини юртимиз қурилиш-бунёдкорлик ривожига бағишлаган фахрий қурувчиларнинг меҳнатларини қадрлаш инсоний фазилатларимизнинг энг олийсидир.

Ўз касбининг пухта билимдони

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Биз сўз юритишни ният қилган опахоннинг хизмати чинакамига хайрли, ҳамманинг эътибори-ю назарида. Муҳими, унинг камтарин меҳнати, бутун фаолияти ҳамиша кишилар қалбига ҳақиқий гўзаллик бағишлаш, юрт ободлиги, бунёдкорлиги йўлида қайғуриш билан ўтди, десак муболаға бўлмас.



Маъсуда Бобомуродова 1975 йил Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тугатиб, “Ўзкоммунгазлойиҳа” институтининг Самарқанд филиалига ишга келган вақтини ҳеч қачон унутмаса керак. Ўшанда асосан Европа миллатига мансуб 150 нафардан зиёд мутахассис ишлайдиган ташкилотда фаолият юритишнинг ўзи муаммо эди. Лекин танлаган касбига халқаро банкларнинг имтиёзли кредитлари ёрдамида амалга оширишда ҳам “Таъмирлойиҳа” мутахассисларининг муносиб улуши бор. Айни пайтда улар “Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари тозалаш қурилмалари ва оқава тизимини реконструкция қилиш” лойиҳасида ҳам фаол қатнашмоқда.

Мана шундай кенг миқёсли истиқбол режаларини амалга оширишда опага Дилшод Қодиров, Шерзод Қодиров, Жамол Аҳмадқулов каби ёш ва истеъдодли меъмор ҳамда инженер-муҳандислар катта ёрдам бермоқда. Зеро, опа мудом изланувчан, ўз устида ишлайдиган серкירה, иқтидорли кадрларни тайёрлашга жиддий аҳамият қаратган.

– Янги авлод вакилларины муносиб тарбиялаш келажакка қўйилган муҳим қадамдир, – деди Маъсуда Бобомуродова. – Улар қанча билимли, дунёқараш кенг, ангиллиқни тез илғаб олса, юртимиз шу қадр гўзал манзара касб этади. Маҳобатли, тақрорланмас, кўркем иморатлар қад ростлади. Мен ҳам айни пайтда нафақага чиққан бўлсамда, қараб турганим йўқ. Аҳоли учун қулай, ихчам ва чиройли уй-жойлар, фаровонликка хизмат қиладиган лойиҳалар устида иш олиб боришда шоғирдларимга имкон қадар кўмаклашпман. Меъморлар тили билан айтганда, сояда чизилган лойиҳани саратон кўёшида амалга оширадиган қурувчи ҳеч қачон қийналмаслиги даркор. Архитектор ва бинокор вақтида маҳоратини ишга солиши буюртмачи – хонадон соҳибининг янги уйда бемалол, ташвишсиз яшашининг қафолатидир.

Маъсуда опа ўз касбининг пухта билимдони сифатида вилоятда обрў қозонган, эл-юрт назарига тушган. Бутун эса кексалик гаштини сураётган бўлса-да, жамоа, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этиб, билим ва тажрибаси билан ёшларга ўрнак кўрсатмоқда. Зеро, опа каби ҳур фикрли ва фидойи касб соҳибларини қанча қадрласак ҳам кам. Шоир айтганидек:

корликда замонавий меъморчилик намуналарини яратиш йўлида жонбозлик кўрсатдилар.

Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли қатор ўқув юртлари, мактаблар, шифоналар қайта чирой очди. Янги сув, газ, канализация тармоқлари тортилди. Самарқанд шаҳрида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз қабул қилган лойиҳани халқаро банкларнинг имтиёзли кредитлари ёрдамида амалга оширишда ҳам “Таъмирлойиҳа” мутахассисларининг муносиб улуши бор. Айни пайтда улар “Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари тозалаш қурилмалари ва оқава тизимини реконструкция қилиш” лойиҳасида ҳам фаол қатнашмоқда.

Мана шундай кенг миқёсли истиқбол режаларини амалга оширишда опага Дилшод Қодиров, Шерзод Қодиров, Жамол Аҳмадқулов каби ёш ва истеъдодли меъмор ҳамда инженер-муҳандислар катта ёрдам бермоқда. Зеро, опа мудом изланувчан, ўз устида ишлайдиган серкירה, иқтидорли кадрларни тайёрлашга жиддий аҳамият қаратган.

– Янги авлод вакилларины муносиб тарбиялаш келажакка қўйилган муҳим қадамдир, – деди Маъсуда Бобомуродова. – Улар қанча билимли, дунёқараш кенг, ангиллиқни тез илғаб олса, юртимиз шу қадр гўзал манзара касб этади. Маҳобатли, тақрорланмас, кўркем иморатлар қад ростлади. Мен ҳам айни пайтда нафақага чиққан бўлсамда, қараб турганим йўқ. Аҳоли учун қулай, ихчам ва чиройли уй-жойлар, фаровонликка хизмат қиладиган лойиҳалар устида иш олиб боришда шоғирдларимга имкон қадар кўмаклашпман. Меъморлар тили билан айтганда, сояда чизилган лойиҳани саратон кўёшида амалга оширадиган қурувчи ҳеч қачон қийналмаслиги даркор. Архитектор ва бинокор вақтида маҳоратини ишга солиши буюртмачи – хонадон соҳибининг янги уйда бемалол, ташвишсиз яшашининг қафолатидир.

Маъсуда опа ўз касбининг пухта билимдони сифатида вилоятда обрў қозонган, эл-юрт назарига тушган. Бутун эса кексалик гаштини сураётган бўлса-да, жамоа, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этиб, билим ва тажрибаси билан ёшларга ўрнак кўрсатмоқда. Зеро, опа каби ҳур фикрли ва фидойи касб соҳибларини қанча қадрласак ҳам кам. Шоир айтганидек:

Шуҳрат қолдирмоқда,
Геростратдек,
Ғалаба маъбудин ёқмоқ
шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзлиқни
жамлаб,
Шу улугъ бинога бир гишт
қўйсак бас.

Яхшилар ёди ҳамиша барҳаёт

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шундай инсонлар бўладики, гарчи ўзи орамингда йўқ бўлсада, уларнинг номи яқинлари, таниш-билишлари, ҳамкасб дўстлари тилидан асло, тушмайди. Зеро, улар тириклигида шу номга лойиқ эзгу ишларни қилиб улгуришади. Аммо, минг афсуски, тақдир ҳукмига қарши боришга ожизмиз. Баъзан қутилмаганда яқинларимиздан айрилишга ҳам тўғри келади...



9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида вафот этган Яшин Буранов ҳам ўзининг инсоний фазилатлари ва касбига фидойилиги, юртимиз бунёдкорлиги йўлидаги хизматлари туфайли кўпчилиكنинг ҳурматини қозонган инсонлардан эди.

1962 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида ўқитувчилар оиласида туғилган Яшин Буранов мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1986 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига ўқишга киради. Институтни тамомлаб, олий маълумотли кадр сифатида Жиззах

шаҳар Архитектура ва шаҳарсозлик бошқармасида архитектор вазифасида иш бошлайди. 1998 йилдан 2010 йилга қадар Жиззах вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб, вилоят хуудлари қиёфасини янгилашдек масъулиятли вазифаларни бажаришда бош-қош бўлди. Меҳнат фаолияти давомида Жиззах шахри ва туманларидаги объектларни лойиҳалаш ва уларни барпо этиш ишларида ўз билим ва малакаси билан жонбозлик кўрсатди.

У 2014 йилдан 2020 йилгача “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Жиззах вилояти филиали бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб, қурилиш-бунёдкорлик соҳаси ривожига катта ҳисса қўшди. У юртимиз бунёдкорлик соҳаси ва ободонлаштириш ишларига қўшган ҳиссаси учун бир қанча мукофотлар билан тақдирланган.

Зеро, яхшилик ерда қолмайди деб бежизга айтишмаган. У кишининг тириклигида қилган ишлари, хусусан, унинг иштирокида барпо этилган ишоотлар келгуси авлодлар хотирасида ҳам яна кўп йиллар яшаши, шубҳасиз.



Шўхрат НОРМУРОДОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида хизмат қилганларни қадрлаш, уларга маънавий ва моддий кўмак беришга катта аҳамият қаратилади.

Жорий йилда ҳам байрам арафасида Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Пастдарғом туманидаги Катта Найман маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фронти қатнашчиси Саломат Амирова ҳозирги осуда ва бахтли кунлардан мамнун ҳолда, ўша машъум онларни шундай хотирлайди:

– Яқинларимиз етмагандек, ўқитувчимизни ҳам урушга кузатишга мажбур бўлганимиз учун анча пайт ўзимизга келолмаганимиз. Ўқишимиз наридан-бери бўлиб қоларди баъзан. Қорнимиз оч, устимиз юпун бўлса ҳам бор кучимиз, зехнимиз билан ўқирдик. Ишчи кучи етишмагани учун биз болалар ҳам дала-

да меҳнат қилардик. Хат-саводим яхши бўлгани учун 14 ёшимда мени таъелчи қилиб қўйишди. Эпладим, хато қилмай ишладим. Ўша йиллари кишлоғимизга турли миллат вакиллари эвакуация қилинганди. Рус тилини оз-моз билганим сабаб уларнинг меҳнатини ҳам ҳисоб-китоб қилиб, тил топишиб ишладик.

Уруш тугаб, 1948 йилда турмушга чиқдик. 1949 йилда тўнғичим Азамат дунёга келди. 1953 йилда Шермама туғилди. Афсуски, ўша йили турмуш ўртоғим Рўзи Жўраев урушдан орттириб келган касали туфайли оламдан кўз юмди. Уйда қари қайнонам, ёш қайинларим, икки фарзандим... Биттагина товуқ бор. Ахволимиз янаям оғирлашди. Болага қарашга ҳам вақт йўқ эди. Яна

далага чиқиб кетдим. 29 ёшимдан бошлаб бригадирлик қилган бўлсам, доим одамлар ишга чиқишидан бир соат олдин ишга келардим ва улар кетгач, яна ишлардим. Оёғимда мудом кирза этик, эғнимда чит кўйлак. Сув келишини кутиб, кечаси билан пойлаб чиққан вақтларимиз бўлган. Бир суткада 2-3 соатгина ухлардик. Эҳ, одамни жони темирданмикан-а, нималарга чидамадиг-а.

100 ёшдан ошган Саломат ая ўтган кунларни гапириб бераяпти-ю, ёнида икки нафар ўғли –73 ёшли Азамат бобо, кенжаси – эл эъзозидagi шифокор Шермама ота Рўзиевлар энаси ёнида қўл қовуштириб ўтиришларини кўриш кишига завқ бағишлайди. Қизиги, улар оналарининг сўзини бўлмас, бирор қўшимча қилмоқчи бўлса, онахоннинг бир нигоҳи уларнинг яна сукут сақлаб, у кишининг фикрларини тинглашда давом этиши учун етарли эди.

– 60-йилларга келибгина одамларнинг қорни тўя бошлади, – дея фикрини давом эттиради ая. – Лекин уст-бошига қарашга ҳамон имкон йўқ эди.

Бир неча марта Олий Совет депутатлигига сайландим. Ҳукуматнинг қатор нишонларини олдим. Лекин чеккан азобларимизни ҳар эслаганда инграб юборамизда. Болаларимга овқат пишириб беришга вақт топмасдим. Синглим раҳматли барака топсин, ўғилларимга ўзининг саккиз фарзанди билан тенг қаради.

– Кўпчилик онамнинг узок умр кўриши, ҳозир ҳам тетиклиги, китоб ўқиб ўтиришига ҳавас қилади, – деди аянинг ўғли Шермама бобо. – Бунинг сири нимада деб сўрашади. Мен ҳам шифокор, ҳам онамнинг ўғли сифатида кузатганларим ичида бир фикрни кўпчилик қариндошларим ҳам тасдиқлайди. Онам ҳеч қачон кўнглида гина сақламайди. Кейин ўзига ёмонлик қилган одамнинг ҳам яхши томони ҳақида гапиришга ҳаракат қилади. Онамнинг биров ҳақида ёмон гап айтганларини ҳеч қачон эшитмаганман. Бир уй одам бирон киши ҳақида ёмон фикр билдирса ҳам онам албатта, ўша инсоннинг яхши хислатини айтиб, одамларнинг фикрини ўзгартаришга сабаб бўлади. Шунинг учун бўлса керак, бугун у киши шу ёнида ҳам тетик.

– Уруш дунёда ҳеч бир халқнинг бошига тушмасин, – деди Саломат ая суҳбат сўнггида. – Тинч ва фаровон кунларга шукур. Бизга кўрсатилаётган бундай эътибордан доимо хурсанд бўламиз. Ҳар бир байрам арафасида ҳолимиздан хабар олишни сира қанда қилишмайди. Илоҳим юртимиз тинч, ҳаётимиз янада обод бўлсин.

Албатта, Ўзбекистон шундай, инсон кадр топган, кексалари эъзозланган юрт. Бундай юртда ҳамиша файзу барокат бўлади.

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИШ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Оттабек ЭРГАШЕВ, Самарқанд вилоятидаги “Согда Зарафшон сув қурилиш” МЧЖ директори.


Аждодлар руҳига ҳурмат инсонларнинг энг олий фазилатларидан биридир. Ўзбек халқи Ватани, элининг фаровонлиги, тинчлиги йўлида жонини фидо этган фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Ислон дини инсон наслини мукаарам санайди. Аллоҳнинг маҳлуқотлари ичидаги энг азизи ва эҳтиромга муносиби, деб баҳолайди.

Хотира ва қадрлаш тушунчаси чуқур маънога эга. Инсоният Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ўша аёвсиз жанг-у жадалларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини асло, унутмайди. Аслида, инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмақ, эъзозламақ халқимизга хос эзгу фазилат.

Падари бузрукворим – Улугбек Эргашев қурилиш-бунёдкорлик соҳаси вакили бўлган. У киши бутун умри мобайнида сув қурилиш тизимида ишлаган. Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида фаолият юритган.

Бугунги кунда мен ҳам ота касбининг давом эттиряпман. Фарзандларим ҳам боболари касбини танлаганидан хурсандман. Отам бунёдкорлик фаолияти мобайнида қўшни Афғонистонда ҳам меҳнат қилиб, бир қатор хайрли ишларни бажарган. Унинг сув қурилиш соҳасида ишлаган даврини яхши билмаман. У киши пенсия ёшига етгач, раҳбарлик лавозимини топширган эди. Лекин етмишдан ошган пайтларида ҳам соҳадан узоқлашмади. Шу сабабдан ҳам, фарзандлари ва набираларида бу касбга қизиқиш уйғонган.

Бугун – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ватанимизга, халқимизга хизмат қилган отам ва унинг кўплаб ҳамкасбларини эслаб, уларнинг порлоқ хотирасини ёдга олдик. Ана шу улуг байрам муносабати билан вафот этганларни ёд этиб, аини пайтда меҳнат фаолиятини давом эттираётган улуг инсонларни қадрлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз.



мизга хизмат қилган отам ва унинг кўплаб ҳамкасбларини эслаб, уларнинг порлоқ хотирасини ёдга олдик. Ана шу улуг байрам муносабати билан вафот этганларни ёд этиб, аини пайтда меҳнат фаолиятини давом эттираётган улуг инсонларни қадрлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз.

TOSHKENT SHAHAR Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Ezgu ayyomlar davomi bo'lmish

9-may – Xotira va qadrlash kuni

vatanimiz rivojiga hissa qo'shib kelayotgan barcha yurtdoshlarimizga qutlug' bo'lsin.

Ajdodlarga munosib avlod bo'lib, yurtimizni dunyoga tanitishda davom etaylik.



“SOGDA ZARAFSHON SUV QURULISH” МЧЖ

Азиз ва жонажон халқимизни

9 май –

Хотира ва қадрлаш куни

муносабати билан самимий қутлаймиз.

Тинчлигимиз абадий бўлиб, ҳаётингиз қувончу шодликка тўлсин!





УСТОЗЛАР ХОТИРАСИ доимо қалбларда

Жамшид СУЛАЙМОНОВ, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг тажрибали мутахассисидан тортиб, эндигина бу сафга қўшилаётган ёш ходимларгача бир-бирини тўлдириб, бир тану бир жон бўлиб, аҳил жамоа сифатида шаклланишида Мухтор Носировнинг ҳиссаси катта.

Кекса авлод вакиллари нинг таъкидлашича, бугунги куннинг энг яхши инспектори сифатида тан олинishi учун унда Мухтор аканинг ҳеч бўлмаганда битта хислати бўлиши керак. Бу муболага эмас. У киши бу таърифга муносиб эди. Инспекция Мухтор ака учун асосий даргоҳ, жамоадаргилар унинг оила аъзоларидек эди. Раҳматли устоз билимли, маънавияти юксак инсон бўлганлиги боис, шогирдларидан ҳам шундай тафаккурни талаб қиларди.

Мухтор ака адабиётнинг чин мухлиси, назми, шеъриятнинг шайдо-си эди. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Саъдий Шерозий, Машраб, Умар Ҳайёмнинг кўплаб ғазалларини ёддан биларди. У киши билан ҳатто адабиёт вакиллари ҳам шеърхонлик мушоирасида баҳслашишга ботинолмасди. Енгилиши тайин эдида...

Мухтор Носиров шакллантирган аҳил оилага, ҳудудий инспекция жамоасига бугун кўплар ҳавас қилади. Бу жамоада доимо инспекция манфатлари, қурилишда сифат назорати-



ни таъминлашда давлат томонидан берилган ваколатни оқлаш, қурилиш соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш – доимо биринчи ўринда турган. Аслида, бу хислат Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида ишлаб кетган раҳматли Анвар Ражабов, Шукрулло Жаббаров, Жўракул Болтаев, Карим Саидов, Носир Муҳсинов, Нуриддин Ачилов, Шуҳрат Шарипов, Тўра Ҳўжаев, Истам Ҳамроев, Камол Васиевлардан анъана бўлиб шаклланган мактабнинг давомидир.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Утганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмақ, эъозламақ халқимизга хос эзгу фазилат ҳисобланади.

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида узок йиллар фаолият кўрсатган устозларнинг рухлари шод, охирати обод бўлсин!

9 май кроссворди

1		2		3		4		5		6		7
8			9		10						11	
			12									
16			17		18	19		20				
		21		22				23			24	25
			26				27			28		
29		30			31							
		32		33					34			
				35			36	37				
38			39			40			41		42	
			43		44							
45		46						47				
				48								
49							50					

САВОЛЛАР:

Энига: 1. Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари ва уларнинг яқинлари шарафига барпо этилган "... она" хайкали. 5. 9 май - ... ва қадрлаш кун. 8. Форсчадан таржима қилинганда "қуёв" ёки "келин", "унаштирилган" ҳамда "даъвогар" маъноларини билдирувчи сўз. 10. Ҳотар қурол усталарига берилган "... мергани" кўрак нишони. 12. Андаза, кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган маҳсулот шаклини белгилайдиган мослама. 13. Ғалаба ..., муваффақиятга эришиш, ютиш. 16. ... шохидан илинар, одам - тилидан (*мақол*). 18. Жангчилар хайқириғи. 20. Ўргимчакнинг уй бурчагидаги ижоди. 21. Юз йил. 23. ...-Анжелес шахри. 24. Асаларининг қурилиш ашёси. 26. Франциядаги шаҳар. 27. Арабча "м" ҳарфи. 28. Тоғ оралиғидаги йўл. 29. Ўзбегим машинаси. 31. Ингичка йўли, одатда пахта ипидан, баъзан ипақдан тўқиладиган мато. 32. Европа ва Осиё чегараси. 34. Нарса, буюм. 35. Иккинчи жаҳон уруши якунида Германия капитуляция бўлган ой. 36. Туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони. 38. Иш-ҳаракатга бўлган кучли интилиш, берилиш ҳисси, иштиёқ. 40. Кино актери ... Норрис. 41. "Услуб" сўзи синоними. 43. Чолгу асбоби. 44. У икки қўлдан чиқади. 45. Суюксиз гўшт. 47. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла ... 48. Иккинчи жаҳон уруши жиноятчиларининг суди ўтказилган Германиядаги шаҳар. 49. Қурол-аслаҳа сақланадиган жой. 50. Иккинчи жаҳон уруши даврида содир бўлган воқеалар акс эттирилган "Ватан" бадийи фильми режиссёрининг исми.

